

МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатлар тимсоли бўлган, асрлар давомида маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутиб келаётган муборак Қурбон ҳайитининг аҳамияти Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат барпо этиш жараёнлари ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги шароитда тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб ҳамда ушбу кутлуг айёмни ҳар томонлама муносиб кутиб олиш ва ўтказиш, шунингдек, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида қарор қиламан:

1. 2025 йилда муборак Қурбон ҳайитининг биринчи кунини **6 июнь – жума** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда **6 июнь** Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 2025 йил **7 июнь (шанба)** кунини олти кунлик иш ҳафтаси тартиби бўйича ишлайдиган ходимлар учун қўшимча дам олиш кунини белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Қурбон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда** ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида **мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил** этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 30 май

2025-йил
31-май
shanba
№69
(5133)

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри



**Халқаро
болаларни
ҳимоя
қилиш
куни**

Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган фотолавҳа



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEV OSTONA SHAHRIDA «MARKAZIY OSIY – ITALIYA» SAMMITIDA ISHTIROK ETDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 30 май кунини Остона шаҳрида
«Марказий Осиё – Италия» саммитида иштирок этди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтказилган тадбирда Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашдилар.

Учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари ва Италия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, инвестиция ва технологиялар, «яшил» иқтисодиёт соҳаларида шерикликни ривожлантириш, таълим ва маданий дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ўз нутқининг аввалида ушбу тад-

бир жорий йил апрель ойида Самарқандда ўтган саммитда Марказий Осиё ва Европа ўртасида эришилган стратегик шериклик тўғрисидаги келишувларнинг узвий давоми эканини таъкидлади.

Саммитда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Италия Бош вазири ҳам нутқ сўзлади. Тадбир якунида Қўшма баёнот қабул қилинди.

Батафсил:
www.president.uz



ОППОҚ КҮКСИ ЭЗГУЛИККА ТҮЛГАН ЭЛ

Қорақалпоғистон барча жабҳаларда, бадийроқ қилиб айтганда, арслон шиддати билан олға бораётир. Давлатимиз раҳбари зўр ифтихор билан таъкидлаганидек: «Қорақалпоғистон тақдирини – бу Ўзбекистоннинг тақдирини, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлигини – бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлигини билан боғлаш мумкин. Бизнинг олий ва эзгу мақсадимиз – биргаликдаги фидокорона меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистон таркибиде Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир». Юртбошимизнинг бу гаплари ҳаётини ҳақиқат эканини вақт деган одил ҳакам кўрсатиб турибди кўзгу мисоли.

Бугун агар Бердақ шоир ҳаёт бўлганида эди, бир замонлардагидек:

*Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим,
Кўнглимнинг билганин, сезганин ёздим,
Замон жафосидан саргайдим, оздим,
Келурми, деб, яхши кунлар халқ учун,
— дея қон-қон йиғламаган, аксинча, юртидаги зврилишлар
қошида ҳайратга тўлиб, шоир иниси Ибройим Юсупов сингар:*

*Меҳнат десанг енг шимарган полвондай,
Аравада тоғ келтир де, келтирар.
Дўстлик деса, юлдуз топиб олгандай,
Оқ кўкрагин эзгуликка тўлдирар! –
деб ҳайқирган бўлар эди.*

2-, 3-саҳифаларда ўқинг...



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ТАНИШУВ, ТАЖРИБА АЛМАШУВ ВА ТААССУРОТЛАР

Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти касба уюшмалари кенгаши делегацияси Тошкент вилоятида бўлди



Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти касба уюшмалари кенгашининг беш нафардан иборат делегацияси Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашида бўлдилар. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда тармоқлар раислари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бугун эса Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Тожикистон Мустақил касба уюшмалари ўртасида имзоланган икки томонлама келишув доирасида ўзаро тажриба алмашиш мақсадида юртингизда бўлиб турганимиздан мамнунмиз.

Тадбир иштирокчилари Нурафшон шаҳридаги Зулфия Зокирова хотирасига бағишланган «Матонат» ёдгорлиги, «Депутатлар боғи», «Ватанпарвар боғи»да бўлишди. «Ўзбекистон касба уюшмалари боғи»га ҳам бориб, яхши ниятлар билан кўчатлар ўтказишди. Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев билан учрашиб, қардош ўлкаларнинг дўстона муносабати, чирой очиб бораётган ҳудудлар, ҳамкорликда қилинадиган ишлар хусусида дилдан суҳбатлашди.

Меҳмонлар ташрифнинг иккинчи кунини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтидеги таълим жараёни, Чирчиқ шаҳридаги «Agrotech Klaster» корхонаси касба уюшмаси ташкилоти фаолиятини кузатишди. «Чиноркент» туристик маскани ҳамда «Севарсой» санаторийси фаолиятини кўздан кечиришди. Сўнгра икки кунлик ташрифдан ёрқин таассуротлар олган ҳолда Тожикистонга жўнаб кетишди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



■ ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

АМАЛДАГИ РАИСЛАР ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Айни кунларда касаба уюшмалари тизимида ўткази- лаётган ҳисобот-сайлов конференциялари ҳақиқий ку- раш майдонига айланди, десак, муболага бўлмайди. Аъзолар жон койитиб, муҳокамаларда иштирок этиши ва ўз таклифларини дадил айтишларидан кўриниб ту- рибдики, касаба уюшмасига ишонч ортган.



Транспорт, йўл ва ка- питал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари ка- саба уюшмаси Тошкент ви- лояти кенгашининг ҳисо- бот-сайлов конференци- яси ҳам қизгин муҳокамалар остида ўтди.

Дастлаб беш йиллик фаолият сарҳисоб қилинди. Айни пайтда ушбу кенгаш таркибда 309 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 45 мингдан зиёд аъзолар бор. Шундан 8 минг 300 нафарга яқини аёллардан, салкам 13 минг нафари ёшлардан иборат.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган саъй-ҳара- катлар натижасида Инфра- тузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси, Ур- банизация ва шаҳарсозлик нормаларини ишлаб чиқариш корхонаси, Саноат ра- диацияси ва ядро хавфсиз- лиги кўмитаси, «Стандарт ас- фальт бетон» ҳамда «Дўрмон сарой» МЧЖ каби ташкилот- ларнинг 26 мингдан зиёд иш- чи-ҳодимлари аъзоликка қа- бул қилинди.

Ҳисобот даврида, шунинг- дек, «Ўзбекистон бўйлаб саё- ҳат қил!» шори остида иш бе- рувчи ва касаба уюшмаси ма- блағлари ҳисобидан қарийб 12 минг 800 нафардан ортиқ

меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари учун Хоразм, Са- марқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларга саёҳат уюшти- рилди. 5 минг 700 нафардан зиёд ходим эса театр, концерт, музей ва кўргазма заллари, ки- нотеатрларга юборилди.

Конференция чоғида таф- тиш комиссияси раисининг ҳисоботи тингланди. Сунгра яширин овоз бериш йўли би- лан кенгаш раиси сайланди. Делегатларнинг 98 фоизи амалдаги раисни ёқлашди ва Жаҳонгир Алиқуллов вазифа- сини қайтадан бошқаришга киришди.

Таълим ва фан ходим- лари касаба уюшмаси Тош- кент тумани кенгашининг ҳи- собот-сайлов конференция- си ҳам бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши раиси ҳамда тафтиш комиссиясининг ҳи- соботи тингланди. Ходим- ларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси ва бошқа йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар қато- ри йўл қўйилган камчилик- лар ҳусусида ҳам сўз кетди.

Муқобиллик асосида ўтка- зилган сайлов натижаларига кўра, Анвар Закиров кенгаш раислигига қайта сайланди.

НИГОРА РАҲИМЖОНОВА

ҲАРАКАТ НАТИЖАДА АКС ЭТАДИ

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё ви- лояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар кенгаш раиси Шохрўх Шамсидиновнинг ҳар бир сўзини натта эътибор, чуқур мулоҳаза билан тингладилар. Унда амалга оширилган ишлар бир- ма-бир тилга олинди.

– Ходимлар учун қулай ва бехатар меҳнат шaroитлари яратиб берилиши устидан ти- зимли жамоатчилик назорати олиб борилиши ўз самара- сини берапти, – деди маъру- зачи. – Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кенгаш хо- димлари, касаба уюшмаси кўмитаси раислари томони- дан 218 та корхона, ташки- лот, муассаса фаолияти ўр- ганилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жараёнда 565 та камчилик аниқланиб, иш бе- рувчиларга 18 та тақдимнома киритилди. Касаба уюшмаси аралашуви билан бу камчи- ликларнинг барчаси барта- раф этилди.

Ҳисобот даврида ма- даний-маърифий, спорт ва соғломлаштириш йўналиши- даги ишлар ҳам тизимли ра- вишда олиб борилди. 4 минг 350 нафардан зиёд ходим- нинг театр, музей, кўргазма заллари, кинотеатр ва кон- цертларга ташириш уюшти- рилди. Ушбу мақсадлар учун жамоа шартномалари ва ке- лишувлари орқали касаба уюшмалари ва иш берувчи- лар маблағлари ҳисобидан

қарийб 120 миллион 500 минг сўм сарфланди.

– 2020-2025 йилларда кўп- лаб ташкилотлар аъзоликка қабул қилинган эътиборини тортиди, – дейди Гулiston ту- мани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси касаба уюшмаси кўмитасидан келган делегат Раҳима Карвонова. – Бу ўз-ўзидан бўлмаган, ал- батта. Яъни касаба уюшмаси афзалликлари ҳақида етар- лича тушунчалар берилган. Бундан кўринадики, ҳаракат натижада акс этади.

Музокараларда делегат- лар ўз таклиф ва мулоҳаза- ларини билдириб, фаолиятни қониқарили баҳоладилар. Таф- тиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланиб, маъқулланди. Сунгра яширин овоз бериш йўли билан ўтган сайловда кўпчилик овоз билан амал- даги етакчи Шохрўх Шам- сидинов кенгаш раислигига қайта сайланди.

Конференцияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қи- линди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА «ISHONCH»



Абдусайд КҶЧИМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Бўлмади ҳеч ерда манзил-мақоми, Захру зақум бўлди ичган-еганим, Айтсам-да, бўлмади менинг деганим, Кўйгандан жон қийналур халқ учун...

Бердимурот Қаргабой ўғли – Бердақ бобонинг юрагидан сизиб чиққан бу оғриқли «оҳ»лар қалблардан қалбларга кў- чи, акс-садо берганда ўзбеклар ва қорақалпоқларнинг кўнглидан нималар кечмайди, дейсиз...

Бундан қарийб 200 йил бурун – 1827 йилда айнан Мўй- ноқда дунёга келган шоирнинг ушбу маҳзун сатрлари Ўзбе- кистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 20 август кунини қорақалпоқ замининда айтган мана бу сўзларни ёзиниға туширди: «Мен Сизлар билан учраш- ганда, Сизнинг қизгин қарсақларингизни соғиниб эмас, Сизларнинг кўзларингиздаги кўнунчи кўришга келдим. Сабаби, тарихдан яхши маълум, қорақалпоқ халқи ўт- мишда ҳамма вақт қайгу-алам, оғир дард билан кун кечир- ган...».

Президент бежиз айтмаган эди бу сўзларни. Қорақал- поқ халқининг ўтмишини яхши билган, дарду ташвишлар- ини дил-дилидан ҳис қилган одам айтиши мумкин эди бўли. Зеро, ҳар бир халқнинг узун тарихи, босиб ўтган йўли, бошидан кечирган иссиқ-совуқ кунлари бор. Тўфону буронлар гирдобида тобланиб-чиникмаган элат ҳам, мил- лат ҳам йўқ бу дунёи дунда. Аммо ҳеч ким қорақалпоқчалик аччиқ изғиринларга дуч келмаган, ҳеч ким қорақалпоқ каби кўз ёши тўкмаган бўлса керак.

Кечмиши милотдан аввалги асрларга бориб тақал- гувчи бу халқ халқ бўлиб шаклангандан бошлаб, қай- гули дамларга юзма-юз келавери: зўравонлар кутқусига учради, бир манзилда қўнини тополмади, «кўча-кўч», «қо- ча-қоч» дейилмиш таҳликалар остида умргузаронлик қи- лишга мажбур бўлди. Орол бўйларига балиқчилик, чорва- чилик билан тинчгина ашаб юрган, илк манбаларда «қора бўркли», мўғуллар истисоли даврида «қавми кўлоҳи сияҳ» деб аталган қорақалпоқларни Чингиз лашкарлари Рус чўл- ларига ҳайдади.

«Қорақалпоқлар бир юртда юз йил макон қилмади, кў- чиб юриб, кўпчилиги йўлда ўлди...», дея фарёд урди у қора кунларни эсланган шоир Бердақ бобо.

Бир муддат Киев Руси даштлари, Волга – Урал ора- ликлари, кейин Иртиш соҳилларида омонат кун кечирган қорақалпоқлар Олтин Урда тарихида Нугўи хонлигини туздилар. Аммо сал ўтмай шимоллик ёғийлар таъзиқига учраб, Туркистонга ҳайдалдилар. Қозоқ хони Абулхайрон- нинг зўравонлиқларидан кейин Хива хонлиги таркибидидаги оғир ҳаёт, Ерназар Алакўз, Айдоқ бий, Бегис ва Миржиқ каби ботирларнинг озодлик йўлида жон беришлари – бу- ларнинг ҳар бири азобли достон, қайғули бир китоб.

Кейин Сарикамиш, Ўзбўй, Сайхун бўйларида кун кечир- ган халқ ниҳоят, ер юзининг ярмини айланиб-айланиб, XVIII аср ўрталарида, не-не машаққатлар билан яна Жайхун соҳилларига қайтиб келди. Келди ота маконига. Бироқ кўч- кўчлар бўронда неча минглаб ўғил-қизларидан бевақт ай- рилган «қора бўркли»ларнинг манглайига осойишта дам- лар ҳали ёзилмаган экан: яна «қув-қув»лар, «ҳайда-ҳай- давлар, урушлар, қон тўкишлар...

Гапирсанг тилинг, гапирмасанг дилинг куяди. Чор Россияси истисоли ва шўролар замонида гоҳ Россия, гоҳ Қозоғистон тарихидаги ўтказиб-қайтарилган «қавми кўлоҳи сияҳ»лар, ниҳоят, Ўзбекистон билан бир давлат, бир мамлакат мақомига эга бўлгандан кейингина аза- лий орзулари – она заминини муқим яшаш бахтига му- шарраф бўлдилар. Минг афсусли, бу бахт ҳам ҳали чала экан. Етмиш йиллик шўро замони бу элни нафақат ўз- лигидан буткул айирди, балки очофат босқинчиларнинг пахтадан оқ, шолидан сариқ олтин олиш талвасаси, халқни бойитиш ҳақидаги чўп-қалпарга йўғрилган талон- чиликлари халққа қўшиб ер юзидидаги йирик денгизлардан бири бўлган Орол денгизининг ҳам бошига етди. Унинг чекиниши, миллион-миллион тонналаб захарли, тузли чанг-тўзонларнинг осмонга кўтарилиши она тибат кўк- сига болта урди, денгиз бўйларидида умргузаронлик қила- ётган элнинг генофондини оғулади.

«Тихий Чернобыль» – «Сокин Чернобыль» дея оламга жар солди мазкур фожиа кўламини ҳис қилганлар.

Бироқ тани бошқа – дард билан. Хукмдорлар Оролни кутқариш, умрини денгиз билан боғлаган, денгизни Она деб улуғлаган заҳматкаш элга ғамхўрлик қилиш ўрнига уларни Узоқ Шарқнинг Усурийск томонларга кўчирмоқ ре- жасини туздилар.

Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов:

Хавотир бор, қорақалпоқлар, Кўп узамай кўчар...

деган сўзлар билан бошланувчи шеърда қондошларин- нинг синовларга тўла беором ўтмишига мана энди Орол дарди ҳам қўшилган, Ўзбекистон ҳудудининг 40 фоизини ташкил қиладиган минтақа, унинг ҳаёт манбаи бўлган ден- гиз, меҳнаткаш одамлар ҳаёти буткул хавф остида қолган- ини алам билан фарёд уриб қуйлади.

Денгиз ўрнида пайдо бўлган сахардан кўтарилаётган тўзонлар Антарктида соҳиллари, Гренландия музликлари, Норвегия ўрмонлари, Япония боғларигача етиб борган ва Орол фожиаси дунё фожиасига айланаётган азобли кун- ларда собик иттифоқ қорчалонлари, қорақалпоқларнинг дардиға малҳам бўлиш ўрниға, юқориди таъкидлаганимиз- дек, уларни ўз уйидан мосуво қилиш йўлларини излади- лар. Бутун бошли элнинг келажаги шу тарзда вақт хукмиға ташлаб қўйилди.

ОППОҚ КҶКСИ

2

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина минг йиллик ҳақиқат асл ўзаниға қайтди. Қорақалпоқ эли ўз заминига, бобомерос кўргонига эға бўлди. Қорақал- поқ дарди Ўзбекистон дардиға айланди, бутун Ўзбекистон халқлари бир бўлиб қондошлари – жондошлари дардиға шиғо изладилар.

Шавкат Мирзиёев эса ҳали Президентликка номзод пайтидаёқ биринчи сайловолди учрашувини айнан шу заминдан бошлади. Халқ билан учрашди, юзма-юз гап- лашди, қалбига, дардиға, орзу-армонларига қўлоқ тутди. Аслида ҳудуднинг мушкул аҳволи беш кўлдек аён эди у кишиға. Бош вазирлик чоғларида овулма-овул юрган Шавкат Миромонович номзодлик учрашувининг ўзидаёқ ўша йиллари минтақа учун энг оғриқли бўлган ичимлик сув таъминотини яхшилаш, кўмир таннархнини пасайти- риш, аҳолининг электр энергиясидан фойдаланишини яхшилаш, мактабгача таълим муассасаларини модерни- зациялаш, оналик ва болалиқни муассасаларига қилиш, пен- сионерларға хизмат кўрсатишни кучайтириш каби 11 та устувор вазифаға эътибор қаратди. Шу кундан эътибор- ан қорақалпоқ диёрида бошланган ислохотларнинг бар- часи доимий назоратға олинди.

Давлат раҳбарининг меҳру муҳаббати, ватанпарвар- лиғи, элсеварлиғи минг-минглаб қалбларда эғаменлик туй- ғуларини оловлантирди, билақларға куч, юрақларға ал- пона қудрат бағишлади. Халқ бирлашди – куч бўлди, ир- моқлар туташди – дарё бўлди. Тиришқоқнинг чеғаси тошға чеға қоқади, деган шарқона ҳикмат нақадар ҳақиқат экани ҳаял ўтмай ўз натижасини кўрсатди – ишонч билан эқилган ниҳоллар ширин-ширин мевалар билан сийлади дастур- хонларни. Муаммолар бирин-бирин барҳам топиб, овул- ларға чирой, кўчаларға баҳорий насимлар кирди. Омбор- ларда дон, дастурхонларда нон кўпайди. Иқтисодиёт ўсди, саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, сайёҳлик соҳалари қанот ёзди. Катта йўлга тушган катта қарвон кўнгирилари беадок сахро-ю чўлларни, дашту далаларни ҳаёт қўшиғига тўлдирди.

Шу даврда, яъни сўнгги 7-8 йил ичиди Ўзбекистон Ре- спубликаси Президентининг Қорақалпоқ ўлкасини юксалти- ришға доир 14 та фармон ва қарори, Ҳукуматнинг 25 та қарор ва фармойиши қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжат- лар ўлка халқларига турмуш тарзини яхшилаш, яшаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиётни мустақкам- лаш, даромаднинг ошириш, қишлоқ ҳўжалиғи, таълим, тиб- биёт, спорт, маданият соҳаларини ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

3

Илгари саноат маҳсулотлари деярли ишлаб чиқарил- маган ўлкада металлургия комбинати, нефть-кимё заводи комплекслари пайдо бўлди, қурилиш материаллари, энер- гия ресурслари ва бошқа корхоналар бирин-кетин ишға ту- ширилди. Саноат кириб келиши тўфайли авваллари кўр- саткичи энг паст бўлган 6 та туманда ишлаб чиқариш 2-3 баравар кўпайди. Шундоқ туманларнинг қарвонбоши эди Кегайли. Илгарилари умуман саноат бўлмаган бу туманда астойдил қилинган ҳарақатлар ва ҳудудлараро ҳамкорлик натижасида учта йирик лойиҳа ўзлаштирилди. «Ақтўба текстиль» шуларнинг бири эди. Йилгиға уч миллион дон- дан зиёд трикотаж моллари ишлаб чиқариш қувватига эға бўлган корхона ишчилари эндиликда 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш мақсадида энг шимариб ишға ту- шиб кетдилар. Корхона жиҳозларининг ҳаммаси Германия, Япония, Туркия каби давлатлардан олиб келиб ўрнатилган энг замонавий ускуналар эди.

Яна бир ибратли жиҳат – корхонаниннг ўзида ёшларни касб-ҳунарға қайта тайёрловчи ўқув маркази ташкил этилди. Унда овуллардаги касбға қизиқувчи ишсиз йи- гит-қизлар малака оширдилар, касб-ҳунар эғалладилар.

Албатта, ютқлар қувончли эди. Аммо Президенти- миз улاردан қониқмади, қорақалпоқ халқининг дастурхони янаям тўкин бўлишиға асос бўладиган янги ташаббуслар кидирди. Шу тариқа Қорақалпоғистондаги 450 дан зиёд маҳалланиннг ҳар бириға тўғридан-тўғри 500 миллион сўм- дан кўшимча маблағ ажратилди.


Бир маҳаллаға 500 миллион! Биргина шу рақам имкони- ятларини таҳлил қилган киши, агар бу пуллар тўғри сарф- ланса, қанча-қанча ночор оила оғир аҳволдан чиқиб, қанча ишсизлар ишли, қанча рўзгорлар эса кичик-кичик тадбир- корлик билан шуғулланиш имконига эға бўлишини англаб олади. 450 дан зиёд маҳалланиннг ҳар бирида, бориинки, унтадан одам ишли бўлганда ҳам неча минг кишининг қо- зони қайнади.

Президент томонидан яна бир ташаббус – кадастрсиз уйлар тилға олинганда кўпчилик жойидан туриб кетди. Қа- рангики, Қорақалпоғистонда 38 мингта уй-жой ва кўчмас мулк кадастр қилинмаган экан. Давлат раҳбари соҳа мута- саддиларига бу масалани тезкорлик билан бажариш вазифа- сини топширди.

Умуман, уй-жой муаммоси Қорақалпоғистон учун ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Ўша йилнинг ўзида 4 мингта уй- жой қурилиши ва унга қўшимча равишда замонавий лойиҳа асосида яна 4 мингта яққа тартибда уй-жой қуришға 4 со- тидан ер ажратилаҳаги аҳолиға ўзгача қувонч ва кайфият бағишлади.

Амалға оширилаётган ишлар кўлами нақадар катта бўлишиға қарамай, барибир, Президентнинг кўнгли тўл- масди. 2018 йил бошида давлатимиз раҳбари яна қорақал- поқ заминни томон йўлга отлади. Бердақ бобонинг киндик қони томан макон Мўйноққа борди. Мўйноқдан худди Орол каби фақат ном қолганди ўша пайтларда: фэйз кетган, кор- хоналар тўхтаган, инфраструктура издан чиққан, ишсизлик ва эртанги кунға умидсизлик ҳамманиннг силласини қурит- ган...

Президент мўйноқлик ёшувиллар, маҳалла раислари, ёшлар билан учрашиб, маслаҳатлашди. Орол денгизининг қуриган жойиға бориб, вазиятни яна бир қарра кўрди, таҳ- лил қилди.



Бир пайтлар минг-минглаб одамлар фаровон ҳаёт ке- чирган, тонналаб балиқлар овланган, денгиз ва унга ту- таш яйловларда қўй-қўзилар ўтлаб юрган, қушлар сайроғи, ёш-ялангларнинг қўй-қўшиқлари жаранглаб турган манзил- нинг бундай абгор аҳволини кўриш, унинг келажагини та- саввур қилиш ниҳоятда оғир ва аламли эди.

Юртбошимиз ҳолатни теран баҳолар экан, бу даҳ- шатли муаммони оқилона ҳал қилиш йўлларини чуқур ўй- лади. Албатта, шу пайтгача ҳам мазкур фожиани тузатишға оид халқаро режалар, илмий стратегиялар, турпи-туман жамғармалар бор эди. Оролни кутқариш ташкилотлари- нинг фаолияти тўхтаган эмас, фақат натижадан дарак йўқ эди, ҳолос. Президент янги стратегия таклиф қилди: Орол- нинг қуриб қолган қисмиға ўсимликлар экиб, тузли, захарли тўзонни тўхтатиш, унинг ўрниға яшил иқтисодиётни таш- кил этиш керак. Элбоши бундан бошқа чора йўқлигини ҳар томонлама илмий асослаб берди. Жаҳон ҳамжамияти бу фикрни инсоният тарихидаги донишмандликнинг яна бир ютуғи сифатида баҳолади.

Орол бўйини одамларға ризқ улашадиган, иш ва да- ромад манбаиға айлантарадиган маконға айлантариш ишлари ана шу тарзда янгидан бошланиб кетди. Бутун Ўз- бекистон оёққа қалқди, бутун Ўзбекистон Орол бўйларини обод қилишға астойдил бел боғлади. Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарлари муайян ви- лоятларға бириктирилди. Аввало, атрофни, мусаффо ҳа- вонни тозалаш, денгизнинг қуриган тубидан кўтарилаётган миллион-миллион тонна чанг ва захарли тузларни камай- тириш керак эди. Шу мақсадда шўрға чидамли ўсимликлар экишға киришилди. Эл бирикса, тоғни талқон, чўлни бўстон қилади. Орол соҳилларида ҳаёт қайнади, минглаб одам- лар бел, кетмон кўтардилар, юзлаб тракторлар гуриллаб ер ҳайдади, самолётлар осмондан уруғ сепади. Аввалги 40 йиллар давомида Оролнинг қуриган тубиға бор-йўғи 400 минг гектар ерға саксовул экилган бўлса, ана-мана дегунча денгизнинг сув қуриган 2 миллион гектардан ортиқ қисмиға саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез каби чўл ўсимликлари экилиб, тўқайзорлар барпо этилди.

Президент бу орада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти- нинг Бош Ассамблеяси сессияларида сўзға чиқди, халқаро саммитларда муҳим таклифларни янги сурди. Дунё аҳ- лили яна ва яна Орол фожиаси ҳамда бу фожианиннг ол- дини олишға қаратди. Шу тарзда Орол муаммосиға қарши курашда жаҳондаги барча давлатлар бирлигини ташкил қи- лувчи Траст фондига асос солинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса «Оролбўйи мин- тақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳу- дуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги резолюциясини қабул қилди. Минтақда ҳаёт маромини меъёриға келтириш – са- ломатлиқни тиклаш, туз ва кум қўшимчи олдини олиш, яшил ҳудудлар яратиш мақсадида 14 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилди.

Орол бўйининг флора ва фаунасини яхшилаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқирилиши ҳам Президент ташаб- буси эди.

Халқнинг йўқолиб бораётган умидлари тикланди. Давлат раҳбарининг «Маданият Мўйноқдан бошла- нади!» деган сўзлари эса Устюрт кенгликлари, сахро-ю овуллар ўша бутун Ўзбекистон бўйлаб янгради ва Сурхон- дарё-ю Самарқанд, Бухоро-ю Фарғона, Сирдарё-ю Тош- кент – ҳамма-ҳамма жойда бирдек акс-садо берди. Бу- хоро вилояти тадбиркорлари Хўжайли, хоразмликлар Шу- манай, самарқандликлар Нукус, сирдарёликлар Қонлиқўл туманларида боғлар, узумзорлар, ихчам иссиқхоналар ташкил қилдилар. Қолган туманларда ундан-да салмоқли лойиҳалар бажарилди. Жумладан, қорамол, қўй ва эчки- ларни кўпайтириш, парранда, кўенчилик ва асаларичи- ликни ривожлантириш изға тушди. Бунинг учун хонадон- ларға қўй ва эчкилар, кўёнлар ва асаларилар тарқатилди. Юз минглаб гектар майдонларда «Яшил қопламалар» барпо этилди. Умуман, вилоятлар томонидан худудда умумий қиймати 524 миллион доллар бўлган 318 та янги инвестицион лойиҳа ишлаб чиқилди. Шу тариқа ҳам юрт обод бўлди, ҳам 20 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

4

2022 йил. 23 февраль. Шу кунни Тошкентдан кўтарилган биринчи рақамли борт, яъни Президент учган самолёт, Ну- кусдан нақ 200 километр олисдаги Мўйноқ аэропортиға ке- либ қўнди. Аэропорт тугул ёлғизоёқ йўллари ҳам қумға кў-

■ ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ...

ЭЗГУЛИККА ТЎЛГАН ЭЛ



милиб, йўқ бўлиб кетган жойлар чинакам байрам шукуҳига тўлди. «Мен биринчи келганимда «Маданият Мўйноқдан бошланади» дегандим. Шундай бўлади. Мана шу аэропорт ҳам бунга бир мисол. Энди Тошкент – Мўйноқ – Нукус авиақатнови йўлга қўйилади», дея мўйноқликлар қалбига қайноқ руҳ бағишлади мамлакат раҳбари.

Нафақат маданият, балки Янги Қорақалпоғистон ҳам айнан Мўйноқдан бошланмоқда, дея Юртбошининг сўзларини қувватлашди қорақалпоқлар.

Атоқли оқин Ибройим Юсупов жондошлари шодлигига шерик бўлди: «Дунёда 30-40 миллионлаб нуфуси бор миллатлар, элатлар мавжуд. Уларнинг на давлати бор, на эрки бор, на боши узра ҳилпираб турган байроғи бор. Қорақалпоқ шу маънода бахти чопган халқ. Атиги 2 миллионга яқин аҳолиси бор, лекин эрки бор, ўз туғи, мадҳияси бор...» дея қўйсини ғоз тутиб ўнларча айтди.

Бугун 2 миллион 300 мингга яқин аҳоли умргузаронлик қилмоқда Қорақалпоқ диёрида. Энг муҳими, аҳолининг асосий қисми доимий иш билан банд. Ишсизлик даражаси 5,8 фоиз атрофида.

Мамлакат кундан-кунга ўсиб, ривожланиб борапти. Биргина ўтган 2024 йилнинг ўзида инвестиция дастури доирасидаги 252 та объектда 886 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 118 та янги объект фойдаланишга топширилди. Буларнинг 37 таси мактаб, 23 таси боғча, 6 таси соғлиқни сақлаш, 5 таси спорт, 2 таси маданият, 17 таси ичимлик сув, 23 таси ирригация ва мелiorация, 23 таси автомобиль йўллари, 15 таси бошқа соҳа объектларидир.

5

Қўзланган марралар, режалар эса янада улкан. Келгуси беш йилда 200 минг гектар яйловни қайта тиклаш ва ҳосилдорликни ошириш чоралари қўрилади, чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, 5 фоизли кредит ажратиш тизими йўлга қўйилади. Ҳар бир туманда 200 минг бошли парранда ва 100 гектардан балиқ ҳўжаликлари ташкил этилади, шу тариха гўшт, сут, тухум ва балиқ етиштириш ҳажми 2 баробарга кўпаяди.

Шунингдек, камда 760 минг гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилиб, Амударё, Беруний, Тўртқўл, Хўжайли, Эллиққалъа ва Нукус туманларида қўшимча интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этилади. Аҳоли томорқаларида сув таъминотини яхшилаш орқали 12 минг нафар фуқаронинг бандлиги масаласи ижобий ечим топади.

Таълим-тарбияга алоҳида эътибор берилиб, болаларнинг мактабгача таълим билан қамров даражаси 71 фоиздан 87 фоизга етказилади. Янгидан 40 та давлат ва хусусий, 525 та оилавий боғча ташкил этилади, 73 та давлат боғчаси реконструкция қилинади ва яна 40 минг нафар боланинг боғчага бориш имконияти яратилади.

Шу ўринда Ўзбекистонда бошланғич синф ўқувчиларини бепул оёқат билан таъминлаш тизими айнан Қорақалпоғистон мактабларидан бошланганини ифтихор билан таъкидлаш лозим. Бу ерда 2022 ўқув йилдан бошлаб 1-4 бошланғич синф ўқувчилари учун бепул тушлик бериш йўлга қўйилган. Бунинг учун ҳар йили давлат бюджетидан 100 миллион сўм маблағ ажратилади.

Энди мана бу рақамларга эътибор қилинган. 2017-2024 йилларда «Бир қадам» тамойили асосида минтақада 74 та оилавий шифокорлик пункти, 81 та оилавий поликлиника, 92 та МТП ташкил этилди. Ихтисослаштирилган марказларнинг ҳудудий филиалларида 150 турдаги янги технологиялар ишга туширилди. Йилига 4500 нафар беморга узоқ йўл юриб Тошкент ёки хорижда эмас, Қорақалпоғистоннинг ўзида юқори технология ёрдам олиш имкони яратилди.

Бундан ташқари, 2022-2026 йиллар давомида ўлкан ривожлантириш учун 43 триллион сўм маблағ ажратилади. Жумладан, бюджетдан – 10 триллион сўм, халқаро молия ташкилотларидан 19 триллион сўм, банк кредитларидан 14 триллион сўм. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ва sanoat маҳсулотлари 1,5 баробар, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1,2 баробар, хизматлар ҳажми 2,9 баробар, қурилиш ишлари ҳажми 1,4 баробар ошади.

Неча минг йиллик тарихга эга Қорақалпоқ ҳудуди сайёҳликни ривожлантириш учун нақадар кенг имкониятларга эга эканини айтишга эҳтиёж бўлмас керак. Минтақада 94 та маданий мерос, 35 та зияратгоҳ, 12 та му-

зей, 24 та театр мавжуд.

2024 йилда 200 минг 700 нафар хорижлик ва 2 миллион 240 минг нафар ички сайёҳ келди бу заминга. Туризм – сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 30,83 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Жорий йилда сайёҳлар сонини 3 миллион нафарга етказиш, сайёҳлик хизматлари экспортини 50 миллион АҚШ долларига олиб чиқиш режалаштирилган.

6

Ҳақли савол туғилади. Қорақалпоғистон атиги 7-8 йил ичида қандай қилиб 70-80 йиллик ютуқларга эришди? Жавоб битта: адолатли ва узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилona сиёсат сабабли! Ўлкадаги барча ишохотлар, ҳеч шубҳасиз, давлат раҳбарининг халқига, она Ватанига бўлган беодор муҳаббати туфайли амалга ошмоқда. Зеро, Шавкат Мирзиёев иқтидорга келгач, 8 йил ичида 20 марта ташриф буюрди Қорақалпоқ диёрига. Ташрифларнинг ҳар бирида ўнлаб, юзлаб янги буюқлар кўз очди. Ҳар бир ташрифдан сўнг салмоқли «Йўл харита»лари тасдиқланди, вазифалар белгиланди, ижролар таъминланди.

Келинг, шу ўринда яқин ўртада амалга ошириладиган лойиҳаларнинг айримларига яна бир бор назар ташлайлик:

Яқин беш йилда аҳолининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 68 фоиздан 89,7 фоизга кўтарилди. Бунинг учун 3,2 минг километрлик ичимлик сув тармоқлари, 177 дона сув иншооти қурилади ва таъмирланади. 250 та маҳалладаги 300 мингта хонадон аҳли тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлади. Олис ҳудудлардаги овуллар, боғча, мактаб ва шифохоналарга шўр сувни тоза ичимлик сувга айлантириб берадиган мингта ускуна ўрнатилди. Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан шу йил охиригача 1 279 километрлик ичимлик сув тармоқлари ва 27 та сув иншооти қурилади.

Нукус шаҳри, Тахياتош ва Кўнғирот туманларида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш учун 350 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиб, мингдан ортиқ кўпқаватли уйлар марказлашган ва индивидуал иссиқлик таъминотига уланади.

Яна 4 974 километр электр тармоғи янгидан қурилади ва реконструкция қилинади, 1,4 мингтага яқин трансформатор ва нимстанция янгиланади. 557 километрлик газ тармоқлари соланади.

Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш учун 20,3 минг квартири 709 та кўпқаватли (олдинги йилларга нисбатан қарийб 2 баробар кўп), ипотека кредитлари ҳисобидан 2,5 мингта яқка тартибдаги уй қурилади. Ўтган йилнинг ўзида 2 734 хонадонли 71 та уй фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнау» автомобиль йўлининг 232 километрлик қисми цемент-бетон қопламаси билан реконструкция қилинди.

Оролнинг қуриган ҳудудига яна 1 миллион гектарлик ўрмонзор ва бутазорлар барпо этилади. Нукус шаҳри атрофидаги «яшил белбоғ» майдони 200 гектарга кенгайтирилади. Шаҳар ва туманлар марказида жами 362 гектар, Нукус шаҳри ва туман марказларида 70 гектар жомоат парклари, яшил майдонлар ташкил этилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш орқали 100 мингта янги иш ўрни яратилиб, 2022-2026 йилларда 60 триллион сўмлик (олдинги йилларга нисбатан қарийб 5 баробар кўп) жами 2 352 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. 45 та кичик sanoat зонаси ташкил этилиб, ушбу sanoat зоналарида қиймати 3 триллион сўмдан зиёд лойиҳалар ижобат топиши натижасида қарийб 25 мингта янги иш ўрни пайдо бўлади. Камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш учун келгуси беш йилда 238 мингдан зиёд доимий иш ўринлари яратилади.

Бу жозибадор рақамларни қозоғга муҳраётиб, беихтиёр доно оқин Ибройим Юсуповнинг мана бу сатрлари эсимга тушди:

**Яхши сўз жон озигидир, нақл бор,
Хушомдага ҳар ким ҳавас ўзинча.
Шундайам, бир ўтинчим бор, одамлар:
Қорақалпоқни кўп мактаманг кўзимча...**

Ҳақ гап. Қорақалпоқ халқи ортиқча мактовни хуш-

ламайди. Аммо бугун ўлкада олиб борилаётган беқиёс ишлардан гурурланмаслик, уларни олқишламаслик ҳам мумкин эмас-да, ахир!

Гарчи Орол денгизининг суви камайган бўлса-да, табиат бу беповён замин бағридаги бошқа бойликларни халқимизга мўл-кўл қилиб ҳада қилмоқда. Минтақада топилаётган ва ишга туширилаётган табиий бойликлар, конлар бунинг тасдиғидир.

7

Қорақалпоғистон харитасига қарасангиз, икки улкан саҳро – Қорақум ва Қизилқум ўртасида жойлашган ўлканинг ён-атрофида Борсакеммас, Қумбасқан, Қўйқирилган, Қанликўл деган номлар билан аталган жойларга кўзингиз тушади. Бу номлар ўтмишдаги оғир фожиаларни эслатиб туради, дейди Бердақ бобо шеърларининг бирида.

Маҳзунликка қоршиган ўтмиш энди тарихнинг сарғайган саҳифаларида қолди. Олдинда эса нурли, нурафшон йўллар...

Мамлакатнинг ёрқин келажаги нурлиб ётибди ана шу йўлларнинг бепоён кучоқларида. Кейинги беш йилда 13 триллион 300 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилган, шунинг 2 миллиард 400 миллион доллари хорижий инвестиция экани бу юртининг эртаси нақадар порлоқлигидан дарак беради. Бу йўллардан теваракка боқсангиз, афсонавий манзараларга гувоҳ бўласиз: бир ёнда Марказий Осиёда ягона бўлган Кўнғирот сода заводи, бир ёнда sanoatимиз локомотивига айланган, қиймати 4 миллиард доллардан зиёд Устюрт газ-кимё мажмуаси, бир ёнда Гиннес китобидан жой олган, ҳаётда муқобили йўқ қорақалпоқ ўтов, бир ёнда...

Беихтиёр уйга толасиз, олимплар 100 жилддан иборат «Қорақалпоқ фольклори»ни нашр қилдилар. 7-8 йилда эришилган ютуқлар, агар улар китоб қилинса, сиғармикан юзлаб жилдларга?

Сўнги йилларда илмий муассасалар ва олий ўқув юртиларида амалга оширилаётган фундаментал ва амалий тадқиқотлар, «Сахродаги Лувр» деб донг таратган И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида олиб борилаётган ишлар... Булар қандай сиғар экан китоблар кучоғига.

Ёки ўлканнинг Хоразм билан туташ ҳудуди – Беруний туманида Саудия Арабистонининг «ASWA Power» компанияси билан ҳамкорликда қурилаётган шамол электр станцияси. Қайси дostonга сиғиди унинг таърифи?

– Қорақалпоқ инсонлари меҳнаткаш, ери бой. Энди шамолпариям иқтисодиётга манфаат келтиради. Агар биз катта-катта корхоналар қураимиз, десак, ҳамкорларимиз, авваламбор, «Энергетиканг борми, йўлинг борми, инфра-тузилманг борми?» деб сўрайди. Бу ерда қуввати 100 мегаватт бўлган шамол электр станцияси барпо этилиши ҳудуд иқтисодиётига қўшимча куч, замин бўлади, – дейди мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев. – Келгуси беш йилда бу ҳудудда қуввати қарийб 1 минг 800 мегаватт бўлган 3 та шамол станцияси ишга туширилади.

Шундай. Қорақалпоғистон барча жабҳаларда, бадиийроқ қилиб айтганда, арслон шиддати билан олға бораётир. Давлатимиз раҳбари зўр ифтихор билан таъкидлаганидек: «Қорақалпоғистон тақдирини – бу Ўзбекистоннинг тақдирини, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги – бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлиғидир. Бизнинг олий ва эзгу мақсадимиз – биргаликдаги фидокорона меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистон таркибида Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир». Юртбошимизнинг бу гаплари ҳаётини ҳақиқат эканини вақт деган одил ҳакам кўрсатиб турибди кўзгу мисоли.

Бугун агар Бердақ шоир ҳаёт бўлганида эди, бир замонлардагидек:

**Шоир эдим, кўзим кўрганин эздим,
Кўнғалмининг билганим, сезганим эздим,
Замон жафосидан сарғайдим, оздим,
Келурми, деб, яхши кунлар халқ учун, –**

дея қон-қоний йиғламаган, аксинча, юртидаги эврилишлар қошида ҳайратга тўлиб, шоир иниси Ибройим Юсупов сингари:

**Меҳнат десанг энг шимарган полондай,
Аравада тоғ келтир деб, келтирар.
Оқ тилда деса, юлдуз топиб олгандай,
Оқ кўкрагинг эзгуликка тўлдирир! –**
деб ҳайқирган бўлар эди.

ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли акциядорлар!

Қўқон шаҳар «Дехқон бозори» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2025 йил 12 июнь кунини соат 15.00 да Қўқон шаҳри, Фурқат кўчаси, 100-уй манзилида ўтказилади.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорларини шакллантириш 2025 йил 6 июнь кунини реестрга асосан амалга оширилади. Акциядорларни рўйхатга олиш 2025 йил 12 июнь кунини соат 14.00 дан 14.30 гача амалга оширилади.

Кун тартибидagi масалалар:

- 2024 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойиллари ривож қилиниши юзасидан Кузатов кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.
- 2024 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-ҳўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- 2024 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб ва рағини тасдиқлаш.
- Таъши аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.
- 2024 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш.
- 2025 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харajatлар сметасини тасдиқлаш.
- Жамият Кузатов кенгаши аъзоларини сайлаш.
- Жамиятнинг 2025 йил молия-ҳўжалик фаолияти учун таъши аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.
- Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси ҳулосасини тасдиқлаш.
- Жамият уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таъширини тасдиқлаш.

Акциядорлар умумий йиғилишига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлик вакиллари эса ёзма ишончнома билан келишлари лозим.

Йиғилишни ўтказиш бўйича қўшимча маълумотлар олиш ва унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлар билан танишиш учун қўйидаги манзилга ёки телефон рақамларга мурожаат қилиш мумкин: Қўқон шаҳар, Фурқат кўчаси, 100-уй. Тел: (91) 205-15-21. Электрон почта манзили: quqondehqonbozori@uamail.uz Веб-сайт: www.quqondehqonbozori.uz

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ГАРАНТ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Кун тартиби:

- Банк акциядорлари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
- Банк акциядорлари умумий йиғилиши санақ комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
- Банк Кузатов кенгашининг 2024 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
- Банк Бошқаруви раисининг Банкининг 2024 йил молиявий – ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
- Банкининг 2024 йилги фаолияти бўйича таъши аудиторининг ҳулосасини эшитиш, йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
- Кузатов кенгашининг айрим аъзоларини ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва Кузатов кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.
- Банк таъши аудиторини тасдиқлаш ва уни хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисида.
- Банкининг баланسدан ташқари моддаларда ҳисобга олинмаган активлар ҳисобварағидаги кредитлар ва ҳисобланган фоизларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.
- Банкининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш (янги таъширда) тўғрисида.

Йиғилиш 2025 йил 25 июнь кунини соат 16.00да Тошкент шаҳри, С.Барака кўчаси, 78-уйда ўтказилади.

Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2025 йил 19 июнь ҳолатига тузилади.

Йиғилиш қатнашчилари 2025 йил 25 июнь кунини соат 15.00 дан 15.45 гача рўйхатга олинади.

Акциядорлар Умумий йиғилишига доир материаллар билан Тошкент шаҳри, С.Барака кўчаси, 78-уйда жойлашган «Гарант банк» АЖнинг Бош офисида танишишлари мумкин. Электрон почта манзили: info.garantbank@uz, веб сайты: www.garantbank.uz.

Акциядорлар умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Маълумот учун телефон: 71-256-41-55

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси қасаба уюшмаси фахрийси, Ўзбекистон дерматовенерология ва косметология маркази бошланғич қасаба уюшмаси кўмитаси собиқ раиси

Шуҳрат Мирзараҳмонович КАБУЛОВ
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси мазкур ташкилот енгил автомашина ҳайдовчиси Тиллаев Жалолддин Артиковичга акиси

Қамолддин Артикович ТИЛЛАЕВ
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

«СЎНГГИ КЎНҒИРОҚ» – НИМАГА ЧОРЛОВ, НИМАГА ЗАРБА?

«Сўнги кўнғироқ» учун ўғрилик қилиш... «Сўнги кўнғироқ» учун машинани олиб қочиш... «Сўнги кўнғироқ»да соч ёниши...

2025 йил 24 май куни мамлакатимиздаги барча мактабларда анъанавий «Сўнги кўнғироқ»лар бўлиб ўтди. «Илм – энг буюк шараф!» шiori остида ташкил этилган бу тадбирларда миллий қадриятларимизга зид ҳолатлар ҳам кузатилди.

барҳам берилмаса, «Сўнги кўнғироқ»ларда соч эмас, бошқа нарсалар ҳам ёниб кетиши мумкин. Бундай кўнғирсиз ҳолатлардан ҳаммиса Узи асрасин. Маълумки, амалдаги тартиб-қоидаларга қўра, 18 ёшга тўлмаган фуқароларга ҳайдовчилик гувоҳномаси берилмайди. Агар ўқувчи мактабни битириш арафасида 18 ёшга тўлса ҳам, мактабдан ажралмаган ҳолда «права»га ўқиси мумкин эмас.

Интернетда битта «видео»ни кўриб қолдим, даҳшат! Унда «Қани, давай кўтар...», деган «буйруқ» берилиши биланқўқайитилган ҳаракатга тушишди... Қизлар уларнинг кўлларида ердан «ҳаво»га кўтарилиши ва бирам «гир-гир» айланганиди. Афсуски, бу «чиқиш» ҳам, аниқ қайта-қайта «репетиция» қилинган. Яъни ким кимни кўтаради, ким кимнинг қаеридан ушлайди, ҳавода қанча вақт «парвоз қилинади»? Буларнинг барига «ҳамжихатлик»да якуний ҳулосага келинган.

Маълумотларга қўра, республика бўйича «Сўнги кўнғироқ» учун 384 та ҳолатда (ҳали бу аниқланган) машина «олиб қочилган». Яъни битирувчи отаси ёки акасининг машинани тadbирга миниб борган. Бу – нима? Мақтанганими ёки манманлик? Балки эркактойлик, балки безлиқлик?

Адамни ёмон кўраман, билдингизми?! дейди бола. Аслида эса... Бу гапни алампидан айтади. Азбаройи яхши кўрғанидан, соғинганидан ичкики қолади. Охири, тоғаси дўхтирни ҳам олиб, дадасини топиб келишга кетишади.

Унинг охири китобини атайлаб бу ерда тилга олмадим. Чунки у яна бир сабр исботи учун керак. Ўтган йили у эллик бир йиллик ёстиқдошидан айрилди. Унга олдингиларнинг барини кўшгандагидан ҳам кучлироқ сабр керак бўлди. Юз кун ўзига келолмади. Ҳар кун аёли ҳақида ёзди. Охири «Ортимизда из қолсин, чироқ қолсин» деган китоб юзага келди. Уни кўз ёшланмай ўқиш – амри махол. «Тошкент ҳақиқати» газетаси шу йилнинг 12, 15 ва 19 март сонларида шу асарни «Елғизликнинг юз кун» номи билан эълон қилди. Тахририятга кўлаб газетхонлардан мактублар келди.

Хўндларда «Холи» деган байрам бор. Бу байрамда ҳамма кўчага чиқиб, кукун шаклидаги ёки суялтирилган бўёқлар билан бир-бирини бўяб-бежаб ташлашади. Кейинги вақтларда шу байрамнинг айрим аломатлари бизда ҳам пайдо бўляпти. Битирувчилар кўллари турли рангдаги бўёқларга бўлаб олиб, бир-бирининг кофта ёки кўйлагига беш панжали «из қолдиришяпти». Урфга киратган бу бемаъни «анъана»да мантқ борми? Йўқ, албатта! Агар «куқунчи» ва «бўёқчилар»га

«Келажак мактабда шаклланади» дейишади. Худди шундай! Аммо... Афсуски, баъзи мактабларда келажак «ТikTok» билан «улгаймоқда». Шундай экан, «сценарийсиз спектакль»га айланиб бораётган «Сўнги кўнғироқ» учун миллат манфаати ва келажакдан келиб чиқиб, алоҳида Дастур қабул қилиш керакдир. Токи, «Сўнги кўнғироқ» ким ва нима учун чалингани билан хотирада қолсин. Хулоса ўрнида яна бир гап: «Сўнги кўнғироқ» якунланган, айрим ота-оналарнинг «Нме мани болам «группавой» рақсда қатнашмади?», «Қизим нега кўшиқ айтмади?», «Ўғлимга нега роль бермадиллар?» дея ўқитувчиларнинг «ёксидан олиши» ортида таълимга эмас, «шоу»га қизиқиш ётибди. Тўғри, ҳар бир ота-она фарзандини саҳна марказида кўришни истайди. Лекин баъзилар таълимни эмас, танловни афзал кўрапти. Шуниси ачинарли...

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSEYANOVA (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»). Bosh muharrir Husan ERMATOV

ИСМНИНГ ТИЛСИМИ

Болога исм кўйиш халқимиз учун муҳим масалалардан бири. Динимизда ҳам фарзандга яхши от танлаш ота-онанинг асосий бурчлари қаторида саналади. Собиржонга исм танлашганида ота-оналари, бобо-бувилари унинг сабрли бўлишини тилашган бўлишса керак...

«Ҳар исмининг ўз тилсими бўлади», дейишади. Эҳтимол, ростдир. Тақдир унинг сабрини кўп бор синади. Болалигида нигорон бўлиб қолди. Тотмаган дарди, чекмаган азоби кам бўлди. Ҳозирги ЎзМУнинг Журналистика факультетида ҳам ўзидан тўрт ёш кичиклар билан бирга ўқиди. Уқишни битириб, йўлланма билан ўзи туғилиб ўсган Тошкент вилояти Пискент туманига «Меҳнат байроғи» (ҳозирги «Пискент ҳаёти») газетасига ишга борди. Сабр билан ишлади. Ва унинг самараларини ҳам кўрди. Ўзи каби журналист, ижодкор қизга уйланди. Икки ўғил, икки қизли бўлишди. Биргаликда уларни вояга етказишди. Ўзбекистон Ёзувчилар ҳамда Журналистлар уюмлари аъзоси ҳам бўлди. 2007 йили «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор кўрилди. Ҳаш-паш дегунча ўттиз тўрт йил ортда қолиб, муҳаррир ўринбосари лавозимидан пенсияга чиқди. Буни иккинчи бир сабр белгиси сифатида ҳисоблаш ҳам мумкин.



Бу камтару камсукум қаламкаш Пискентда умргузаронлик қилади. Қалбида адабиёт яшайди. Бўлмаса, китоб ёзармиди? Ахир, отаси раҳматлидан азбаройи меҳнатнинг кучи билан обод қилинган ҳовлиси-ю тоқзор боғи – бор. Кейин ёнидан икки ўғлига ҳам ер олиб, ҳовли соловди. Учаловларига тегишли ерларни кўшиб ҳисоблаганда жами – 65 сотих. Шу узумзорларнинг тағидига ўтларни ёки ток бағрларини териб ҳам йилга иккита буқа семиртирса бўлади. Аммо у китоб ёзади. Сўзга ишқи – бор-да.

Ҳаммаси рисоладагидек кетаётган эди. Атроф ҳавас қиладиган оилга бирдан кўз теги чоғи: аёли оғир касалликка чалиниб, тўшақда ётиб қолди. Шу ётганча қирқ икки йил ётди. Яратган сабрини қаттиқ синади. Эҳтимол, бундайлар яна бордир, лекин камина умримда тўшақдаги аёлга гўлдай қараган бундай эркакни кўрмаганман.

Езувчининг аксар асарларида содда, танги, мард, меҳнатқаш қишлоқ кишиларини шундоққина кўриб турсиз. Ишонсангиз, улар сиз билан дардлашади.

Биз ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритаётган акамининг «Қўмсаш» деган биринчи ҳикоялар тўплами у эллик беш ёшга тўлганида, яъни 2005 йили Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриётида chop этилди. «Сабрингга балли-е!» дегингиз келадими-йўқми? Бироқ: «Яхши от кейин қолади», деганларидек, кейин ҳар бир-бир ярим йилда биттадан китоб чиқарди: «Нажот кўприғи» (2006), «Тун бағридаги шарпа» (2007), «Ҳаёт иншоиси» (2008), «Чинорлар узок яшайди» (2009), «Кўзлари нигорон» (2013), «Йўл бўйлаб» (2014), «Соқов хотин» (2015, роман), «Эзали уй» (2016), «Осмоннинг устун» (2017), «Ҳаёт, йўл, умр» (2018), «Бедор қалб тўхфалари» (2019), «Орта қайтмас умр» (2021), «Чархпалак дунё» (2023), «Қисмат биттиси» (2024)...

«Андиша» ҳикояси қутилмаган тасвир билан тугайди. Тўқсонни қоралаб кўйган Рухсора момо минг бир андиша билан ўғиллари ҳолидан хабар олмаётганини маҳалла оқсоқолига секингина шипшитади. Андишасини ҳам айтади. Раис ҳам – тушунадиган одам. «Бўлди, ўғилларингиз билан ўзим учираман. Бу дўст душман эшитишга гап эмас», дейди. Лекин...

Унинг охири китобини атайлаб бу ерда тилга олмадим. Чунки у яна бир сабр исботи учун керак. Ўтган йили у эллик бир йиллик ёстиқдошидан айрилди. Унга олдингиларнинг барини кўшгандагидан ҳам кучлироқ сабр керак бўлди. Юз кун ўзига келолмади. Ҳар кун аёли ҳақида ёзди. Охири «Ортимизда из қолсин, чироқ қолсин» деган китоб юзага келди. Уни кўз ёшланмай ўқиш – амри махол. «Тошкент ҳақиқати» газетаси шу йилнинг 12, 15 ва 19 март сонларида шу асарни «Елғизликнинг юз кун» номи билан эълон қилди. Тахририятга кўлаб газетхонлардан мактублар келди.

«Бу кўрсин-а, момо маҳалла идорасига қўшни қизчани эргаштириб борган эди-ку!.. Ахир, қишлоқда элнинг оғзига элак тутиб бўладими? «Бу қизча шунча андишани бир пул қилиб, уйдагиларга айтмайди», деб ким кафо-

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Металлургия ва машинасозлик sanoati тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишлаб ҳафталик тадбирлар ўтказиб келмоқда. Турин политехника университетидан ташкил этилган маданий-маърифий соатлар ҳамда уч авлод учрашуви ҳам шулар жумласидан. Касба уюшмалари фаолиятини ёш авлодга ўргатиш, ташилотнинг афзаллиқларини оммага тушунтириш, шунингдек, фахрийларни эъзозлаш мақсадида уюштирилган ушбу тадбирда тармоқ касба уюшмаси ишчи-ходимлари ҳамда талабалар иштирок этишди.



Диёра РАВШАНОВА «ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон! QR code and contact information.

«Сўлим» кўшиғи. Ёрни ойнақдин қаранг, ноз уйқуда ётганмикин? Ёки қилган нолишим уйқудан уйғотганмикин? Биз тарафга бир келишни ихтиёр айлаб магар, Ёнида ётганини афсун билра уйғотганмикин?

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch.1991@yandex.uz. Umumiy adadi 32 449 ta. Shundan: 6 258 nusxasi. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 276 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-511 1 2 3 4 5 6